

## CAUSES AND CONSEQUENCES OF HEART BLOOD DISEASES IN SURKHANDARYA POPULATION

**Sharipova Farida Salimdjanovna**

Termez branch of the Tashkent Medical Academy

Lecturer at the Department of Medical Biological Sciences

**Rakhimov Diyorbek**

1st year student of the Faculty of Medicine

Relevance of the topic: One of the priorities of the Republic of Uzbekistan is to improve the health of the population.

## СУРХОНДАРЁ АҲОЛИСИДА ЮРАК ҚОН ТОМИР КАСАЛЛИКЛАРИНИНГ УЧРАШ САБАБЛАРИ ВА ОҚИБАТЛАРИ

Тошкент тиббиёт академияси Термиз филиали  
Тиббий биологик фанлар кафедраси ўқитувчиси  
Шарипова Фариди Салимджановна  
Даволаш факультети 1 курс талабаси  
Раҳимов Диёрбек

**Мавзунинг долзарблиги:** Ўзбекистон Республикасининг устувор йўналишларидан бири аҳоли саломатлигини яхшилаш ишларидир. Ҳозирги кунда Республика аҳоли ўртасида юрак қон томир касалликлари ортиб бориши эрта ўлим ҳолатлари кузатилмоқда.

**Мавзунинг мақсад ва вазифалари:** Сурхондарё аҳолисида юрак қон томир касалликларининг учраш сабаблари ва оқибатларини ўрганиш ҳамда аҳоли саломатлигини яхшилаш

**Натижа-** Юрак қон томир касалликларининг келиб чиқишининг асосий сабаби, ташқи муҳитнинг ўзгариши аҳоли ўртасида камҳаракатлилиқ – гиподинамия, жисмоний ва руҳий зўриқиш, рационда ҳайвон ёғлари кўп бўлган маҳсулотларни кўп истеъмол қилиш, чекиш ва спиртли ичимликларга ружу қўйиш. Ушбу омиллар юрак-қон томир касалликларининг аҳоли орасида кенг тарқалишига ва ёшариб бораётганига асосий сабаб сифатида кўрсатиш мумкин.

Юрак-қон томир касалликларининг асосий белгилари қонда холестерин миқдорининг ортиб кетиши, қон томир деворларида холестерин пиллакчаларининг пайдо бўлиши оқибатида томир ичининг торайиб қолиши, қоннинг қуюқлашиши, тўқималарга қон билан келадиган озик моддалар ва кислород оқимининг пасайиши ҳамда ҳужайраларнинг кислородга бўлган эҳтиёжининг ошиб кетиши билан намоён бўлади.

Агар юрак - қон томир касалликларига чалинган беморлар коронавирус инфекцияси билан оғриб, ўпка пневмонияси кузатилганда ҳамда қон қуюқлашиб кетганда юқорида келтирилган кардиологик касаллик белгилари зўрайиб кетади. Кўпинча беморларда юрак-қон томир касалликларининг асоратлари оқибатида ўлим ҳолатлари кузатилади. Яъни, коронавирус юқтириб олган беморларда ўткир миокард инфаркти, бош мия инсульта, юрак етишмовчилиги ҳолатлари юзага келиб, вирус инфекциясининг оғир кечишига сабаб бўлади.

Ҳозирги кунда вилоят аҳолисида юрак-қон томир касалликлари ёшариб бормоқда. Илгарилари бу касалликлар асосан қарияларда учраган бўлса, ҳозирда 20 ёшли инсонларда ҳам миокард инфаркти, артериал гипертония, юрак ритмининг ўткир бузилиши каби касалликлар учрамоқда. Бунга сабаб, глобализация давридаги гиподинамия ҳолатлари, ёғ алмашинувининг бузилиши, дислипидемия ва гиперхолестеринемия, гиперкоогуляция, яъни қоннинг қуюқлашиши ва қон ивиш ҳолатининг

тезлашиши, зарарли одатлар – спиртли ичимликлар истеъмоли, тамаки чекиш, нотўғри овқатланиш каби омилларни кўрсатиш мумкин.

**Хулоса** Юрак қон томир касалликларни олдини олишда аввалом бор ҳар бир она ҳомиладорлик даврида туғиладиган фарзандининг соғлом бўлиши учун эътиборли бўлиши керак. Кўпинча туғма нуқсонли болалар ҳомиладорлик даврида кўп касал бўлган, камқонли, жисмоний ва руҳий чарчаган оналардан туғилади. Фарзандининг соғлиғига ота-она эътибор бериши, шифокор назоратидан ўтказиб туриши, фарзандини соғлом ва жисмоний бақувват қилиб тарбиялаши керак. Балоғат ёшидан кейин ҳар бир инсон ўз соғлиғи ҳақида қайғуриши, касалликнинг олдини олиши ёки бошланғич даврида аниқлаб, уни бартараф этиш учун ҳаракат қилиши лозим. Юрак-қон томир касалликларига чалинмаслик учун соғлом турмуш тарзига амал қилиши, жисмоний фаолликни ошириши, ақлий меҳнат билан жисмоний меҳнатни меъёрда олиб бориши, овқатланиш гигиенасига амал қилиши, зарарли одатлардан воз кечиши, кардиолог шифокор назоратида бўлиб, ўз вақтида даволаниши талаб этилади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Бен Р.Л. "Особенности клинического течения остро́во инфаркта миокарда у мужшин разного возраста" Автореферат Санк Петербург 2015
2. Дедов И.И. "Сахарный диабе́д и артериальная гипертензия" Москва 2006 г